

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017. Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**МУХАМАДИЕВА НИГИНА БАХОДИРОВНА**

**МИОКАРД ИНФАРКТИ ЎТКАЗГАН БЕМОРЛАРДА ДЕПРЕССИВ  
БУЗИЛИШЛАРНИНГ КЛИНИК-БИОКИМЁВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ,  
ДАВО МАСАЛАЛАРИ**

**14.00.18-Психиатрия ва наркология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ 2018**

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по медицинским наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on medical  
sciences**

**Мухамадиева Нигина Баходировна**

Миокард инфаркти ўтказган беморларда депрессив бузилишларнинг клиник-биокимёвий хусусиятлари, даво масалалари..... 3

**Мухамадиева Нигина Баходировна**

Клинико-биохимические особенности депрессивных расстройств у больных, перенесших инфаркт миокарда, вопросы терапии .....21

**Muxamadiyeva Nigina Bahodirovna**

Features of clinics and signs of biochemical of depressive disorders in patients after myocardial infarction, the problem of therapy.....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

**List of published works.....44**

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017. Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**МУХАМАДИЕВА НИГИНА БАХОДИРОВНА**

**МИОКАРД ИНФАРКТИ ЎТКАЗГАН БЕМОРЛАРДА ДЕПРЕССИВ  
БУЗИЛИШЛАРНИНГ КЛИНИК-БИОКИМЁВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ,  
ДАВО МАСАЛАЛАРИ**

**14.00.18-Психиатрия ва наркология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Tib83 рақам билан рўйхатга олинган**

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tipme.uz](http://www.tipme.uz)) «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Магзумова Шахноза Шахзадэевна,**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Алимов Улуғбек Худоярович ,**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Имамов Акбар,**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент педиатрия тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017. Tib.31.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100007, Тошкент, Мирзо -Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уй. Тел/факс: (99871) 268-17-44; e-mail: [info@tipme.uz](mailto:info@tipme.uz).)

Диссертация билан Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100007, Тошкент, Паркент кўчаси, 51- уй.

Диссертация автореферати 2018 йил « \_\_\_ » \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2018 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Х.А. Акилов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.Н.Убайдуллаева**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари номзоди, доцент

**У.Х.Алимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда депрессив бузилишлар нисбатан кўп учрайдиган руҳий патологиялар қаторига киради. Турли эпидемиологик текширувларга кўра, «4 дан 10% гача Ер юзи аҳолиси депрессия билан хасталанган. Депрессив бузилишларнинг кенг тарқалиши нисбатан оғир соматик касалликлар билан мос келади. Даво муолажалари ўтказилмаган ҳолларда депрессив бузилишлар оғир оқибатларга олиб келади, турли соматик касалликлардан эрта ўлим ҳолати, меҳнат қобилиятининг йўқолиши (ногиронлик) кузатилади».

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «жаҳонда клиник тиббиётда охириги 20 йил давомида депрессив бузилишларни умумтиббиёт амалиётида ўрганишга катта эътибор қаратилган. Хусусан, юрак-қон томир касалликларидан кейин ривожланадиган депрессия соматик касаллик кечишини оғирлаштирувчи энг хавфли омиллардан ҳисобланади». Депрессив бузилишларнинг ривожланиши учун хос бўлган патофизиологик ўзгаришлар кардиоваскуляр патологияда, хусусан, миокард инфаркти ривожланишида кузатиладиган метаболик ўзгаришлар билан мос. Шунинг учун «коронар қон айланишининг ўткир бузилиши симпатоадренал тизимни фаоллаштирувчи ўткир стрессор таъсирловчи, аффектив симптоматика ривожланишига олиб келувчи омил» сифатида таъсир қилиш эҳтимоллигини истисно қилмайди. Бундан ташқари, «ҳам депрессияда, ҳам миокард инфарктида қон плазмасида каспаза миқдорининг ошиши кузатилиб, бу ҳолат бир томондан апоптоз жараёнининг кучайиши, иккинчи томондан – эндоген интоксикация даражасини акс эттиради. МИда ривожланадиган апоптоз ва медиатор ўзгаришлар бош миядаги биологик актив моддалар метаболизмига таъсир кўрсатади».

Бугунги кунда мамлакатимизда тиббий хизмат кўрсатишни янги даражага кўтариш борасида мақсадли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу борада хусусан, миокард инфаркти билан оғирган беморларда депрессив бузилишларни эрта ташхислаш ва даволаш чоралари мавжуд. Шу билан бирга, миокард инфарктидан кейинги депрессияда кўрсатиладиган ёрдамни такомиллаштириш мақсадида ушбу йўналишдаги илмий асосланган натижалар зарур. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан, «аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш»га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг

2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 мартдаги ПҚ-3606-сон «Психиатрия ёрдами кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Юрак касалликлари ва депрессия орасидаги боғлиқликни аниқлаш борасида олиб борилган текширувлар шуни кўрсатдики, депрессив ҳолатда бўлган шахсларда юрак хуружи ўтказгандан кейин 6 ой давомида тўсатдан ўлим хавфи юқори бўлади; ҳатто депрессиянинг ўрта оғирликда намоён бўлиши ҳам артериал қон босимининг кўтарилишига хавф туғдирувчи омил бўлади; юрак ишемик касаллигини оператив даволаш (аортокоронар шунтлаш)дан кейин 1 ой давомида ривожланадиган депрессия белгилари кўпинча стенокардия хуружларининг кейинчалик кузатилишини белгилаб беради; депрессия юрак етишмовчилиги билан беморларнинг госпитализация частотаси ошишига олиб келади. Бу ҳолатлар юрак-қон томир касалликлари билан беморларда депрессиянинг кенг тарқалганлигига қарамадан, депрессив бузилишлар умумтиббиёт амалиётида аниқланиш даражаси пастлиги билан биргаликда кузатилади, юрак-қон томир касалликлари билан депрессия орасида номувофиқ синергик боғлиқлик бўлишини етарлича тўғри баҳолашмаслиги касаллик прогнозини оғирлаштиради [N.L. Sin, A.D. Kumar, A.K. Gehi [et al. 2016].

Кардиологияда психосоматик концепция фақатгина текширувчилар диққатини қаратмасдан, балки бир қатор ташкилий чора-тадбирлар билан боғлиқ. Замонавий талабларга жавоб берувчи юрак-қон томир патологияларида консултатив психиатрик ёрдамни ташкил этиш, шунингдек, психосоматика соҳасида фаолият олиб борувчи психиатр кадрларни тайёрлаш, кардиолог, кардиохирург ва бошқа мутахассислар учун клиник психиатрия ва психофармакологик терапия бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Соматик даво муассасалари врачлари ва психиатрия клиникалари мутахассислари орасида касбий мулоқотнинг чекланганлиги умумсоматик муассасаларда руҳий бузилишларда юқори тоифали тиббий ёрдамни ташкил этишда қийинчиликларга олиб келади [Кулик А.Л., 2006, Люсов В.А., Волов Н. А., 2010]. Кўрсатиладиган тиббий ёрдам самарадорлигига ва касаллик прогнозига аҳамиятли бўлган клиник, шахсий-психологик омилларнинг таъсирини инобатга олган ҳолда миокард инфаркти ўтказган беморларда

депрессив бузилишларни ўрганиш психосоматик тиббиётнинг долзарб муаммоси бўлиб, ҳам илмий, ҳам амалий аҳамиятга эга [Салимова Н. Р. 2010, Ходжаев А. И. 2011].

Охирги йиллар давомида олиб борилган текширувлар таҳлили шуни кўрсатдики, миокард инфарктидаги рухий бузилишлар шаклланиш масалалари, уларнинг динамикаси ва даво масалалари жуда долзарб. Шунга мувофиқ, миокард инфаркти ўтказган беморларда депрессив бузилишлар динамикасини ўрганиш, кузатиладиган биокимёвий ўзгаришлар даражасини аниқлаш янги диагностик имкониятларнинг очилишига ёрдам беради ва самарали даво чораларини ишлаб чиқишга асос бўлади. Бу мазкур масалага йўналтирилган тадқиқотларни давом эттириш лозимлигини талаб қилади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Бухоро давлат тиббиёт институтини «Соматик касалликлардаги аффектив бузилишлар» (2012-2017 йй.) илмий лойиҳаси доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** миокард инфаркти ўтказган беморларда депрессив бузилишларни клиник, конституционал-биологик, биокимёвий ва ижтимоий-психологик предикторларини аниқлаш билан биргаликда мазкур гуруҳдаги беморларда депрессив бузилишларнинг клиник хусусиятларини асослаб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

миокард инфаркти ўтказган беморларда депрессив бузилишларни клиник хусусиятларини ва чуқурлик даражасини стационар босқичда ва реабилитация даврида ўрганиш;

миокард инфаркти ўтказган беморларда депрессив бузилишлар ривожланишига олиб келувчи клиник, конституционал-биологик, биокимёвий ва ижтимоий-психологик омилларни ажратиш ва ўрганиш;

миокард инфаркти ўтказган беморларда депрессив бузилишларни клиник-биокимёвий хусусиятларини текширилувчи беморлар плазмасида фибриногеннинг оксидланиш кўрсаткичларини, эндотелий функцияларини, гемостаз тизими кўрсаткичлари, аннексин А5 миқдорини текширувнинг турли муддатларида баҳолаш билан биргаликда ўрганиш;

миокард инфарктидан кейин ривожланган депрессив бузилишлар билан беморларни олиб бориш тартиби борасида илмий асосланган тавсияларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ўткир миокард инфаркти билан касалланган 341 нафар бемор танлаб олинди.

**Тадқиқотнинг предмети** миокард инфаркти ўтказган беморларда депрессив бузилишларнинг клиник хусусиятлари, миокард инфарктидан кейин депрессив бузилишлар ривожланиши ва кечишида конституционал-биологик, биокимёвий ва ижтимоий-психологик хавф омилларига дифференциал ёндошувдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида клиник-психопатологик,

клиник-анамнестик, клиник-катамнестик, экспериментал-психологик, статистик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

миокард инфаркти ўтказгандан кейин ривожланган депрессив бузилишларнинг клиник хусусиятлари, этиологик мансублиги (реактив ва қон томир генезли) аниқланган;

миокард инфарктидан кейинги депрессияда клиник жиҳатдан устунлик қилувчи аффект тури ҳамда касаллик оқибати учун аҳамиятли ҳолатлар (хавотирли ва хавотирли-безовталаниш ҳолатларида аутоагрессив ва агрессив хатти-ҳаракатларнинг содир этилиш хавфининг ошиши) аниқланган;

депрессив синдром чуқурлик даражасига кўра ўткир миокард инфаркти ўтказган аксарият беморларда депрессив эпизод дастлабки ташҳисланишида ўртача чуқурлик даражаси аниқланган;

миокард инфаркти ўтказгандан кейинги депрессиянинг ривожланиш муддати, яъни миокард инфаркти ўтказгандан биринчи 7 кун, айниқса 2–3 суткалар, депрессия қанча эрта ривожланса, оғирлик даражасига кўра ўрта оғир ва оғир даражадаги депрессив синдром ривожланиш эҳтимоллиги шунча юқорилиги аниқланган;

миокард инфаркти ўтказгандан кейин ривожланган депрессив бузилишларнинг давомийлиги, айниқса, хавотирли депрессия бир йилгача давом этиши аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

миокард инфаркти билан беморларда депрессия ривожланишига олиб келувчи омилларни аниқлаш, конституционал-биологик, биокимёвий ва тиббий-ижтимоий омиллар аҳамиятини баҳолаш, миокард инфаркти билан беморларда руҳий бузилишларни ўз вақтида ташҳислаш имконини беришга асосланган;

миокард инфаркти билан беморларда депрессив бузилишларни ривожланишини олдини олиш чораларини амалга ошириш босқичларини тавсия этишга асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** жамоат саломатлиги ва Соғлиқни сақлаш менежменти усуллари, расмий маълумотлардан фойдаланиш ва сўров натижасида олинган ахборотларнинг умум қабул қилинган усуллар асосида тизимлаштирилиши, тиббий-ижтимоий текшириш усуллариининг қўлланилиши, тадқиқот натижаларининг республика ва ҳалқаро миқёсдаги илмий конференцияларда муҳокама этилгани, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тан олинган илмий нашрларда чоп этилгани натижаларнинг ишончлилигини кўрсатади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, миокард инфаркти ўтказган беморларни олиб боришда касаллик клиник кечишини сифатли ва мўлжалланган кузатиш, клиник ва ижтимоий масалаларни изчиллик билан ҳал қилиш орқали мунтазам тутиб турувчи терапияни



адекват танлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, миокард инфаркти ўтказган, депрессив бузилишлар ривожланган беморларда даволаш-реабилитация чораларини такомиллаштириш имконини беради, бу эса, ўз навбатида, психиатр, кардиолог врачлари томонидан кўрсатиладиган тиббий ёрдамнинг оптималлашишига, шунингдек, мазкур тоифадаги беморларда руҳий бузилишлар олди олинishiга ёрдам берди. Тадқиқотнинг назарий ва амалий натижаларини врач-кардиолог ва врач-психиатрларни қайта тайёрлаш тизимида, тиббиёт ОТМларида ходимларни тайёрлаш ва малакасини оширишда қўллаш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши:** олинган илмий натижалар асосида миокард инфарктдан кейин депрессив бузилишлар ривожланиши ва уни олдини олишга қаратилган профилактик чоратadbирлар бўйича:

«Особенности диагностики тревожно-депрессивных состояний при ишемической болезни сердца» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2011 йил 02 февралдаги 8и/05-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома юрак ишемик касалликларида хавотирли-депрессив бузилишларни эрта, самарали ташхислаш ва даво чораларини мукамаллаштириш имконини яратади;

даволаш самарадорлигини ошириш мақсадида, тадқиқот натижалари даволаш-профилактика муассасаларига, хусусан, Бухоро вилояти Жондор тумани ва Бухоро вилояти Когон тумани марказий поликлиникаларида амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 09 февралдаги 8н-д/3-сон маълумотномаси). Ишнинг натижаларини Соғлиқни сақлаш амалиётига тадбиқ этиш ва уни таҳлил этиш натижасида миокард инфаркти ўтказган ва депрессив бузилишлар билан амбулатор-поликлиник хизматга қилинган мурожаатлар 4–5 мартага, даволашга кетадиган сарф-харажатларни 20% га камайтириш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация ишининг асосий натижалари 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан 8 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсад ва вазифалари, объекти ҳамда предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқот илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, илмий иш апробацияси натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг таркиби бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг **«Миокард инфаркти ва депрессив бузилишларнинг коморбидлик масалалари»** деб номланган биринчи бобида депрессияни юрак-қон томир касалликлари билан коморбидлиги, миокард инфарктдан кейин кузатиладиган депрессив бузилишлар клиник хусусиятлари, юрак-қон томир касалликларида депрессия ривожланиши патогенетик механизмлари ва қонуниятлари, мазкур гуруҳдаги беморларга тибий ёрдам кўрсатишнинг диагностик жиҳатлари масаласига оид илмий адабиётлар шарҳи акс этган.


Диссертациянинг **«Миокард инфарктдан кейин ривожланган депрессив бузилишларни баҳолашга оид тадқиқот материаллари ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида ишда қўлланилган асосий текширув материал ва усуллари баён қилинган. Клиник текширувлар Бухоро вилоят кардиология диспансерида 2008–2015 йиллар давомида олиб борилган. Бу давр мобайнида ўткир миокард инфаркти ташҳиси билан 341 та 40 ёшдан 72 ёшгача бўлган беморлар текширилди. Тадқиқотга жалб қилинган беморлар 2 та гуруҳга бўлинди: I гуруҳ – асосий гуруҳ 233 та (175 (75,1%) эркаklar ва 58 (24,9%) аёллар) миокард ифаркти ташҳиси белгиланган ва кейинчалик депрессив бузилишлар ривожланган беморлар, II гуруҳ – назорат гуруҳи 108 та (86 (79,6%) эркаklar, 22 (20,4%) аёллар) миокард инфаркти ташҳиси белгиланган, бироқ депрессия белгилари кузатилмаган беморлар.

Илмий тадқиқотни ўтказиш учун қуйидаги текшириш усулларидан фойдаланилди: клиник-психопатолок, рухий бузилишларни ташҳислаш, унинг (синдром) структураси ва динамикаси, клиник-анамнестик, экспериментал-психологик (Гамильтон ва Монтгомери-Асберг шкаласи ёрдамида депрессия чуқурлик даражасини аниқлаш, Мини-мульти шахс сўровномаси – шахс турини аниқлаш), клиник-биокимёвий текшириш – қон гликопротеини – фибриногенни оксидланиш модификацияси даражасини аниқлаш, эндотелий функцияси кўрсаткичларини баҳолаш, хусусан Виллебранд омилини баҳолаш, шунингдек, статистик текширув усуллари.

Тадқиқот материалларини қайта ишлаш ва таҳлил қилиш босқичида далилларга асосланган тиббиёт ва вариацион статистика усулларидан фойдаланилди. Жумладан, нисбий ва ўртача миқдорлардан фойдаланиб ўртача хатоликлар ( $m$ ), ишонччилик коэффициенти ( $t$ ), хатоликлар эҳтимоллиги ( $p$ ) ни ҳисоблаш амалга оширилди.

Диссертациянинг «Миокард инфаркти ўтказгандан кейин ривожланувчи депрессив бузилишлар клиник хусусиятлари» деб номланган учинчи бобда миокард инфарктидан кейинги даврнинг турли муддатларида ривожланган депрессив бузилишлар клиник хусусиятлари ва динамикаси баён этилган.

Биз Бухоро вилоят кардиология диспансерида саккиз йил давомида 341 та ўткир миокард инфаркти ташхиси билан даволанган беморларда таҳлил олиб бордик. Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, миокард инфаркти ўтказгандан кейин кузатилган депрессив бузилишлар билан беморларнинг ярмидан кўп қисмида (51,1%) кайфиятнинг доимий пасайиши кузатилган, яъни депрессиянинг аффектив компоненти кузатилган, депрессиянинг идеатор компоненти фикрлаш секинлашиши билан намоён бўлиб, 27,5% беморларда кузатилган, ҳаракат сусайиши (мотор компонент) 21,5% беморларда кузатилган (1-расм).



**1-расм. Миокард инфарктидан сўнг депрессия ривожланган беморларнинг депрессия компонентига кўра тақсимланиши**

Беморларда деярли бир хил частотада аффектнинг хавотирли ва меланхолик тури (47,0% ва 41,2% тегишлича), аффектнинг дисфорик тури 11,8% ҳолларда кузатилган, бу эса ўз навбатида хавотирли турдан 4 маротаба ва меланхолик турдан 3,5 маротаба кам. Ёш тоифасига кўра 51–60 ёш учун хавотирли аффект, 60 ёшдан катта беморлар учун – меланхолик аффект хос. Дисфорик турдаги аффект барча ёш тоифаларида нисбатан кам кузатилган (7,9% дан 60 ёшдан катта ёшда ва 14,8% гача 51–60 ёшда). Аффектнинг меланхолик тури бўлган беморларда тушкун кайфият асосида дисфория кузатилиши, яъни жиззакилик, жаҳлдорлик, агрессив хулқ-атвор, ҳалокатли ҳаракатларга мойиллик билан намоён бўлган. Бунда дастлаб бемор диққатини жалб этмаган вазият ёки предметлар тўсатдан таъсирчанликка сабаб бўлган.

Депрессиянинг этиологик омилига кўра, беморларни икки гуруҳга

бўлиш мумкин: 67,8% да қон томир депрессияси, 32,2% да реактив депрессия. Қон томир депрессияси нисбатан узок кечиши билан фарқ қилиб, беморларда астеник симптомокомплекс белгилари (умумий дармонсизликнинг кучайиши, тез чарчаш, ҳолсизлик, адинамия, кундузги уйқусирашнинг эрта инсомния билан кечиши) соматик ҳолат оғирлашганда кузатилди. Шу билан бирга, у ёки бу даражада когнитив бузилишлар (ўтмиш воқеаларга нисбатан хотира пасайиши, атрофда содир бўлаётган воқеалар моҳиятини тушуниш чекланиши, янги маълумотларни эслаб қолиш қийинлашиши, диққат жамланиши бузилиши) кузатилган, ҳолбуки депрессив симптоматика унча яққол намоён бўлмаган.

Реактив депрессияларда депрессив синдром унча давомий бўлмасдан, депрессия белгиларининг намоён бўлиши беморнинг “касалликни шахсан кўриши”, врач билан суҳбати давомида ундан олган маълумотлари, ўзининг ташҳиси ҳақида билиш даражаси, эҳтимоли бўлган асоратлар ва кам даражада умумсоматик ҳолатига боғлиқ бўлган. Депрессия белгилари, биринчи навбатда, тушкунлик, касалликни пессимистик идрок қилиш, касаллик оқибатини бўрттирган ҳолда баҳолаш, хуруж такрорланишидан хавотирланиш, ўлимдан, ногиронликдан кўрқиш аломатлари билан намоён бўлди. Ўз ҳолатига ортиқча эътибор қаратиш етарлича соматик асос бўлмаган ҳолларда ҳам кўпгина шикоятлар билан бирга кечди.

Нозогениялар – реактив депрессиялар руҳий жароҳатловчи омилга, бизнинг ҳолатда бу – миокарда инфаркти, нисбатан руҳиятнинг жавоб реакцияси учун хавотирли депрессиянинг яққол намоён бўлиши, давомийлиги ярим йил давомида кузатилиши характерли. Нисбатан узок давом этувчи депрессия учун синдромнинг астеник варианты хос бўлиб, бундай ҳолатда депрессия соматогенияга – қон томир депрессиясига киритилиб, бу бузилиш патофизиологик жиҳатдан ички органларнинг оғир патологияси билан боғлиқ.

Депрессиянинг енгил даражаси беморларнинг чорак қисмида ташҳисланди. Гамильтон шкаласи бўйича ҳам, Монтгомери-Асберг сўровномаси бўйича ҳам 70% беморларда бирламчи ташҳислашда ўрта оғирликдаги ва оғир даражадаги депрессия аниқланган. Шунини таъкидлаб ўтиш лозимки, эркакларга нисбатан аёлларда депрессиянинг оғир даражаси Гамильтон шкаласи бўйича 1,2 маротаба, Монтгомери-Асберг шкаласи бўйича деярли 1,7 маротаба кўп кузатилган ( $P < 0,05$ ). Қизиқарли бўлган далиллардан – енгил даражадаги депрессия 60 ёшгача бўлган эркак беморларда аёлларга нисбатан кўп маротаба (1,7 марта) аниқланган. Шу билан биргаликда 60 ёшдан катта бўлган эркак беморларда енгил даражадаги депрессия деярли 2,2 маротаба камайишга мойил бўлган ва аёлларга нисбатан 4 маротаба кам кузатилган ( $P < 0,001$ ).

Депрессив бузилишларнинг шаклланишида энг аҳамиятли бўлиб, иккинчи ва учинчи суткалар ҳисобланган, чунки тадқиқотимизда айнан шу муддатларда депрессия аниқланишининг катта фоизи тўғри келган (84 та бемор, барча ташҳисланган депрессив бузилишларнинг 36,1%). Кейинчалик

депрессиянинг клиник жиҳатдан яққол намоён бўлиши камайиб борган: ишемик хуруждан кейин биринчи ҳафта охирида 49 та беморда, иккинчи ҳафта давомида яна 49 та беморда кузатилган. Беморларнинг бешдан бир қисмида депрессия стационардан чиққандан сўнг кузатилган: миокард инфаркти ўтказгандан 1 ва 3 ойдан сўнг (51 та бемор, 21,8%). Балки бу ҳолат кечки депрессия ривожланиши билан боғлиқ. Бунда беморлар дастлабки муддатларда ўзларида депрессия белгиларини кузатганларини, бироқ асосий касаллик яққол намоён бўлгани сабабли депрессия белгиларига етарлича эътибор қаратмаганларини айтган.

Дастлабки ярим соат мобайнида стационарга ётқизилган беморларда энгил даражадаги депрессия ўрта оғирликдаги депрессиядан 4 маротаба, оғир даражадаги депрессиядан 22,5 маротаба кўпроқ кузатилган. Ихтисослашган тиббий ёрдам қанчалик кеч кўрсатилса, энгил даражадаги депрессия кузатиладиган беморлар сони кам аниқланади ва шунга мос равишда ўрта оғирликдаги ва оғир даражадаги депрессив бузилишли беморлар сони ошади. 3 соатдан ортиқ вақт мобайнида госпитализацияланган беморлар орасида оғир даражадаги депрессия энгил ва ўрта оғирликдаги депрессияга нисбатан 4,5 маротаба кўп белгиланган. Биринчи соат мобайнида тиббий кардиологик ёрдам кўрсатилган беморлар орасида фақат 16% беморларда депрессия белгилари аниқланган, тиббий ёрдам нисбатан кеч кўрсатилган беморларда эса депрессия белгилари госпитализациянинг биринчи кунида аниқланган. Миокард инфарктидан кейин депрессия ривожланган барча беморлар гуруҳидан 32,3%да стационарда биринчи 3 кун давомида депрессия аниқланиб, бу гуруҳга ихтисослашган тиббий ёрдам бир соатгача муддатда кўрсатилган, 67,7% депрессив синдром ривожланган беморларга эса, кардиологик ёрдам нисбатан кеч кўрсатилган ( $P < 0,01$ ).

Маълум бўлишича, миокард инфарктидан сўнг 1 ойда асосий гуруҳ беморларининг 43,8%ида астеник депрессия, 32,2% беморда депрессив синдром хавотирли депрессия сифатида аниқланди, 13,7% да – меланхолик, 10,3% да – дисфорик депрессия аниқланди. Депрессив синдромнинг клиник йўналиши астеник дерессиянинг ошиши ва меланхолик, хавотирли депрессиянинг камайиши томон ўзгариши сезиларли даражада аниқланди (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Миокард инфарктидан сўнг 1 ойда ДС клиник вариантга кўра беморларнинг тақсимланиши

ДС клиник варианты	Асосий гуруҳ		Назорат гуруҳи	
	Абс	%	Абс	%
Хавотирли	75	32,2	–	–
Меланхолик	32	13,7	–	–
Дисфорик	24	10,3	–	–
Астеник	102	43,8	–	–
ДС мавжуд эмас	–	–	108	100
<b>Жами</b>	<b>233</b>	<b>100</b>	<b>108</b>	<b>100</b>

Бу ҳолат балки бемор соматик ҳолатининг яхшиланиши ва беморнинг ўзини ҳолати, касаллигига нисбатан адекват муносабати билан боғлиқ. Бу эса миокард инфаркти ўтказгандан 3 ойдан сўнг беморларни текширувда ўз исботини топди. Текширилувчиларнинг асосий гуруҳида меланхолик ва дисфорик депрессия белгиларининг редукцияси, бироқ хавотирли депрессив ҳолатларнинг ошиши кузатилган. Миокард инфаркти ўтказгандан 6 ойдан сўнг депрессия белгилари кузатилмаган беморлар сони анча ошган. Маълум бўлдики, хавотирли ва астеник турдаги депрессия билан бўлган беморлар сонининг анча камайиши билан бирга беморларда депрессиянинг ипохондрик тури ривожланган. Миокард инфаркти ўтказгандан 1 йилдан сўнг текширилган беморлар 7,3%ида депрессия белгилари сақланган (хавотирли ва ипохондрик). Бу гуруҳдаги беморларга кардиолог ва психиатрлар томонидан диққат-эътибор талаб этилиши шубҳасиздир.

Диссертациянинг **«Миокард инфаркти ўтказган беморларда депрессия ривожланишига олиб келувчи конституционал-биологик, ижтимоий-психологик омиллар»** деб номланган тўртинчи бобда миокард инфаркти ўтказганда беморларда депрессия ривожланишига олиб келувчи конституционал-биологик омиллар, демографик, психологик ва тиббий-ижтимоий омиллар таҳлил натижалари баён этилган.

Руҳий касалликларга нисбатан ирсий мойиллик миокард инфаркти ўтказган беморларда депрессив бузилишлар шаклланишига таъсир қилади, ҳолбуки юрак-қон томир касалликларга нисбатан ирсий мойиллик таъсири камайиб, бошқа омиллар муҳим аҳамиятга эга бўлади (оилавий ҳаёт, турмуш тарзи, оилада ўзаро муносабат, беморнинг зарарли одатлари, оилада, ишхонада келишмовчилик, стресс).

Миокард инфарктдан кейинги депрессия гипертим хусусиятли ва турғун шахсларда нисбатан кам ривожланган, яққол психастеник хусусиятли шахсларда эса, депрессив бузилишлар тез-тез аниқланган. Касалликка нисбатан шахснинг жавоб қайтаришида хавотирли механизмларининг шаклланиши, уларнинг хавотирни соматогенлашган белгилари билан намоён бўлиши асосий касаллик кечишини оғирлаштириши шубҳасиздир.

Миокард инфарктдан кейинги депрессия ривожланиш хавфини баҳолашда ўткир миокард инфарктининг бошқа касалликлар – семизлик, гипертония касаллиги, сурункали гепатит, овқат ҳазм қилиш тизими касалликлари билан бирга кечиши алоҳида эътибор касб этади.

Миокард инфарктдан кейинги депрессия ривожланиши билан беморларнинг маълумот даражаси орасида тескари корреляцион боғлиқлик аниқланган, яъни маълумот даражаси қанча юқори бўлса, депрессив бузилишларнинг ривожланиш эҳтимоллиги шунча паст. Яқин ўтмишда ўткир стресс ёки узоқ давом этган руҳий жароҳатловчи вазиятда бўлган беморларда стресс ҳолатларда бўлмаган беморларга нисбатан депрессив синдром ривожланишига нисбатан мойиллик тахминан 3 маротаба юқори бўлган. Таққосланаётган гуруҳлар текширилиши натижасида маълум бўлдики, ишхонада стресс, хиссий зўриқиш дастлаб миокард инфаркти

ривожланиши ва кейинчалик депрессия ривожланиш хавфини 2,6 маротаба оширади. Оиласида бирор жиддий муаммоси бўлмаган беморларда депрессияга учраш хавфи 4 маротаба паст эканлиги аниқланди.

Дастлабки ўтказилган миокард инфаркти хуружлари депрессив синдром ривожланиши учун муҳим хавф омилларидан саналади, депрессия белгилари ривожланган беморлар орасида такрорий миокард инфаркти билан беморлар сони миокард инфарктидан сўнг депрессия белгилари ривожланмаган беморларга нисбатан 4,2 маротаба кўп.

Диссертациянинг «**Миокард инфаркти ўтказган беморларда депрессияни клиник-биокимёвий хусусиятлари**» деб номланган бешинчи бобида миокард инфаркти ўтказгандан кейин депрессия ривожланган беморларни турли муддатларда қон томир девори зарарланиши омиллари, беморлар қонида аннексин А5 миқдорини текшириш натижалари баён этилган.

Оксидатив стресс юрак-қон томир касалликлари ва атеросклероз ривожланишида иштирок этади. Оксидатив стресснинг ривожланиши кислороднинг фаол шакллари орқали хужайраичи сигнал йўлларини фаоллашиши ва модификацияланган липид ҳамда оксиллар билан боғлиқ. Оксидатив стресс атеросклерозда эндотелийнинг зарарланишига олиб келади, яллиғланиш жараёнлари ривожланиши, лейкоцит ва моноцитлар миграцияси, кўпикланган хужайралар ҳосил бўлиши, силлиқ мушак хужайраларининг пролиферациясига ва тугунларнинг ҳосил бўлишига олиб келади. Бу жараёнларда оксидланган липопротеинлар муҳим роль ўйнайди. Бироқ, оксидли модификацияланишга оксиллар ҳам, хусусан фибриноген ҳам дучор бўлади. Фибриноген атеросклероз ривожланиши ва юрак-қон томир касалликларининг асоратланишида мустақил хавф омил ҳисобланади. Маълумки, атеросклеротик тугунларнинг ривожланиши уларда фибриноген ва фибрин тўпланиши билан кечади. Шу билан бирга фибриноген томир интимасини қалинлашишига олиб келиши, миқдорининг плазмада ошиши эса тромб ҳосил бўлишини кўпайиши, инсульт ва инфаркт ривожланиш хавфи, кардиохирургик жарроҳлик амалиётларидан кейинги асоратлар кузатилиши кўрсатилган. Фибриноген оксидатив стресс таъсирига тез берилувчан оксил ҳисобланади. Миокард инфаркти липидлар оксидланиши билан боғлиқ бўлгани сабабли, оксидланган фибриноген оксидланган липопротенинлар билан биргаликда қон плазмасида ёки қон томир деворида аниқланиб, миокард инфарктида кузатиладиган патологик жараёнларга олиб келади. Оксидланган фибриноген эндотелий хужайраларининг апоптозини чақиради, адабиётларда кўрсатилишича, ўткир қон томир синдромида тромб ҳосил бўлиши сабабларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли тадқиқотнинг кейинги босқичларида миокард инфаркти ўтказган беморларда депрессив синдром ривожланганда оксидланган фибриногеннинг қон томир эндотелий хужайраларини апоптозланишига таъсири биз томондан ўрганилди.

Тадқиқот натижаларидан маълум бўлишича (2-жадвал), миокард инфаркти ўтказгандан кейин депрессив синдром ривожланган беморлар қон

плазмасида оксидланган оксиллар миқдори ошиб боришга мойил, энг юқори кўрсаткичлар миокард инфаркти ўтказгандан 12 ойдан сўнг кузатилган, ўрганилаётган кўрсаткич назорат гуруҳидаги кўрсаткичга нисбатан 1,5 мартаба юқорилиги аниқланди.

Қон томир-тромбоцитар гемостазнинг бузилиши нафақат фибриногеннинг функционал ўзгаришлари билан боғлиқ бўлиб қолмай, балки қон томр эндотелийси ҳолати билан ҳам боғлиқ, бу эса атеротромботик асоратлар ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. Оксидланган фибриногеннинг оксидланиш жараёнлари ва эндотелиал тизим бузилишлари билан боғлиқлиги оксидланган фибриногенни эндотелиал функциясига мумкин бўлган таъсирини ўрганиш заруратини белгилади.

Эндотелий дисфункцияси ва деструкциясида оксидатив стресс омиллари асосий ўрин тутгани сабабли, фибриногенни оксидланган модификацияси билан эндотелий функцияси параметрлари орасида корреляцион таҳлил олиб борилади. Оксидланган фибриноген миқдори билан Эндотелин-1 миқдори орасида тўғри корреляцион боғлиқлик ( $r=0,78$ ,  $p<0,01$ ), Виллебранд омили миқдори орасида ( $r=0,365$ ,  $p<0,01$ ) ҳамда оксидланган оксиллар миқдори орасида ҳам тўғри корреляцион боғлиқлик ( $r=0,87$ ) кўрсатилди.

Шунингдек, текширувнинг турли муддатларида миокард инфарктдан кейин ривожланган депрессия билан қоннинг биокимёвий кўрсаткичлари орасидаги боғлиқлик ўрганилди. Инфарктдан кейинги депрессия ҳамда фибриноген миқдори орасида ( $r=0,467$ ), оксидланган фибриноген миқдори орасида ( $r=0,514$ ) тескари корреляцион боғлиқлик, Эндотелин-1 миқдори ( $r=0,373$ ) ҳамда Виллебранд омили кўрсаткичи орасида ( $r=0,374$ ) ҳам тескари корреляцион боғлиқлик аниқланди.

## 2-жадвал

### Фибриногенни оксидланиш параметрлари ва текширилувчи қон плазмасида эндотелий функциясининг ўзгаришлари

Кўрсаткич	1 ой		3 ой		6 ой		12 ой	
	Назорат гр. N=30	Асосий гр. N=30	Назорат гр. N=30	Асосий гр. N=30	Назорат гр. N=30	Асосий гр. N=30	Назорат гр. N=30	Асосий гр. N=30
Оксидланган оксиллар, ЕД/мл плазма	3,3± 0,12	3,98± 0,33	3,6± 0,18	4,4+ 0,17	3,7± 0,22	4,6+ 0,2 5	3,8± 0,14	4,9+ 0,34
Оксидланган фибриноген, ЕД/мл фибриноген/мл плазма	10,6± 0,72	18,4± 1,13	10,2± 0,54	17,1+ 0,93	9,8± 0,84	17,4± 1,15	9,6± 1,12	16,9+ 1,17
Фибриноген, г/л	3,1± 0,16	4,4± 0,14	3,0± 0,12	4,28+ 0,32	2,9± 0,14	4,2+ 0,2 4	2,9± 0,11	4,1+ 0,26
Эндотелин-1 пмоль/л	306,7± 37,2	484,5± 46,0 **	272,3± 23,4	465,8	248,6± 17,8	443,1+ 11,7	226,3± 27,8	415,6+ 13,8
Виллебранд омили, МЕ/мл	1,1± 0,12	2,7± 0,24**	1,0± 0,18	2,3+ 0,12	0,8± 0,14	2,2+ 0,16	0,7± 0,16	1,8+ 0,13



Замонавий қарашларга кўра, атеротромбоз ривожланишида апоптознинг муҳим ўрни апоптозга учраган хужайралар ва микроқисмларнинг юқори прокоагулянт потенциалга эга бўлиши билан боғлиқ. Хужайраиçi оксиди Аннексин А5нинг аминофосфолипидларга бирикиш хусусияти орқали хужайраларда юз берадиган апоптоз жараёнини эрта босқичларда аниқлаш имконини беради. Юқори баён этилганлар асосида миокард инфаркти ўтказгандан кейин депрессив синдром ривожланган беморлар қонида аннексин А5 миқдорини ўрганиш мақсадли амалга оширилди (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Миокард инфаркти ўтказган беморлар қонида аннексин А5 динамикада миқдори

Кўрсаткич	1 ой		3 ой		6 ой		12 ой	
	Асосий гр. N=30	Назорат гр. N=30	Асосий гр. N=30	Назорат гр. N=30	Асосий гр. N=30	Назорат гр. N=30	Асосий гр. N=30	Назорат гр. N=30
Аннексин А5 нг/мл	0,89± 0,11	12,3± 1,42	0,72± 0,34	10,8± 0,89	0,44± 0,17	10,1± 0,78	0,29± 0,24	9,7± 1,06

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, миокард инфаркти ўтказгандан кейин депрессив синдром ривожланган беморларда эндотелий дисфункцияси ривожланишида эндотелий зарарланиш омиллари муҳим ўрин тутди. Аннексин А5нинг роли мазкур гуруҳдаги беморлар қонида плазма-коагуляцион ва тромбоцитар тромбофилиянинг кучайиши билан боғлиқ ( $r=0,144$ ). Эндотелиал дисфункциянинг биокимёвий асоси тромборегулятор моддаларнинг ошиши, молекулалар адгезияси ва апоптоз тезлашиши, шунингдек оксидатив стресснинг кучайиши ҳисобланади, бу эса шу гуруҳ беморларда тромбофилиянинг куйишига олиб келади. Бу далил миокард инфарктдан кейинги даврда мос ҳолда коррекция этилишини талаб этади.

Қин ивиш тизими омиллари атеросклероз ва қон томир асоратларининг кучайишида иштирок этиши ҳақидаги маълумотлар кўп йиллар олдин аниқланган. Бироқ бу муаммога нисбатан қизиқишнинг ошиши бир қатор жараёнлар - юрак қон томирларида ўткир тромбоз ривожланишига нисбатан янгича ёндошув билан боғлиқ. Гемостазнинг қон томир-тромбоцитар ва коагуляцион занжирида бузилишлар ҳамда оксидланиш жараёнлари қон томир эндотелийси ва унинг функциялари билан чамбарчас боғлиқ, бу эса ўз навбатида атеротромботик асоратлар ривожланишида катта аҳамиятга эга. Оксидланган фибриноген билан оксидланиш жараёни ҳамда қоннинг ивиш тизимининг эндотелиал қисми орасидаги боғлиқликни аниқлаш коагуляцион ва хужайра гемостазини ўрганиш заруриятини белгилади. Шунинг таъкидлаб ўтиш керакки, миокард инфаркти ўтказгандан кейин депрессив синдром ривожланган беморларда қон томир деворини жароҳатловчи омилларнинг эндотелий фаоллиги ва апоптозига ўзига хос таъсирини таҳлил қилишга

қаратилган текширувлар сони кам бўлиб, кўпгина ҳолларда улар тескари натижаларни кўрсатган.

Текширувнинг турли муддатларида миокард инфарктдан кейин депрессия ривожланиши билан қонда тромбоцитлар фаоллигининг қон томиричи кўрсаткичлари орасидаги боғлиқлик ўрганилди. Инфарктдан кейинги депрессия ривожланиши ҳамда тромбоцитлар фаол шакллари кўрсаткичлари орасида ( $r=0,556$ ,  $p<0,05$ ) ҳамда агрегатларда тромбоцитлар миқдори орасида ( $r=0,58$ ,  $p<0,05$ ) тўғри корреляцион боғлиқлик аниқланди. Демак, миокард инфаркти ўтказгандан кейин депрессив синдром ривожланган беморларда текширувнинг турли муддатларида тромбоцитларнинг қон томиричи фаоллиги аниқланиб, бу тромбоцитлар фаол шакллари сони ҳамда агрегацияланган тромбоцитлар миқдорининг ошиши билан намоён бўлган.

Миокард инфарктдан кейинги депрессия тез-тез кузатиладиган ҳолат бўлиб, даволаш ва реабилитация даврини қийинлаштиради. Шу сабабли бемор касалхонага тушгандан биринчи соатлар давомида депрессив бузилишлар ривожланиш хавфи, даражасини баҳолашга қаратилган чоратадбирлар олиб бориш мақсадга мувофиқ. Миокард инфаркти ўтказгандан кейин депрессив синдром ривожланишини аниқлаш, ташхислаш ва даволашга қаратилган чора-тадбирлар босқичлари таклиф этилган.

Босқич I	Бемор клиник ҳолатини баҳолаш (хавотирланиш, тушкунлик намоён бўлиш даражаси, кайфият пасайиши, тушкун-жаҳлдор кайфият), айниқса, биринчи суткалар ва кейинги кунларда. Беморни миокард инфарктдан кейин депрессия ривожланиши бўйича хавфли гуруҳга киритиш имконини берувчи омилларни аниқлаш: олий маълумот бўлмаслиги, ўз оиласига эга бўлмаслик, зарарли одатлар (хусусан, чекиш), яшаш шароитининг ёмонлиги, ҳамроҳ касалликлар – сурункали гепатит, семизлик, гипертония касаллиги, руҳий касалликларга нисбатан ирсий мойиллик, шошилиш ёрдамнинг кеч кўрсатилиши.	Кардиолог
Босқич II	Беморнинг клиник ҳолатини белгилаш, клиник ташхисни асослаш, депрессиянинг синдромал ва этиологик турини (реактив ёки қон томир) белгилаш. Гамильтон ва/ёки Монтгомери-Асберг шкаллари ёрдамида депрессиянинг оғирлик даражасини аниқлаш. Шахс хусусиятларини баҳолаш (психастеник шахс хусусиятларига эътибор қаратиш).	Психиатр
Босқич	Депрессив бузилишлар аниқланганда унинг клиник	Психиатр

III	хусусиятини белгилаш (депрессив триаданинг етакчи компоненти, аффект тури, суицидал компонентларнинг мавжудлиги), унинг оғирлик даражасини аниқлаш (Монтгомери-Асберг шкаласи бўйича). Миокард инфарктдан кейинги депрессия клиник кўриниши инобатга олинган ҳолда керакли даво режасини, тартибини кардиолог ва психиатр биргаликда ҳал қилиши. Депрессия оғирлик даражаси ва етакчи симптом инобатга олган ҳолда психотерапия ҳамда транквилизаторлар, антидепрессантлар билан даволаш.	ва кардиолог
-----	---	--------------

### ХУЛОСА

1. Миокард инфарктдан кейинги депрессия кўпгина ҳолларда ўрта оғирлик даражадаги депрессив синдром кўринишида бўлиб, ишемик хуруж ўтказгандан кейин биринчи ҳафта давомида клиник жихатдан дастлаб ташҳисланади, манифестация чўққиси миокард инфаркти ўтказгандан кейин 2–3 суткаларга тўғри келади; асосий синдром ҳосил қилувчи компонент бўлиб кайфият пасайиши, аффект турига кўра инфарктдан кейинги депрессияни хавотирли-тормозланган турга киритиш мумкин; миокард инфарктдан сўнг биринчи суткаларда оғир ва ўрта оғир даражадаги депрессив эпизод, шу билан бир қаторда дисфорик депрессия ривожланиши кузатилади.

2. Хавотирли-безовталиқ билан кечадиган депрессия ривожланиши кўпроқ 2–3 суткаларда кузатилади, бу давр даволовчи врач эътиборини талаб этиб, беморларда аутоагрессив ва ташқи муҳитга қаратилган агрессив ҳаракатлар хавфи юқори бўлиши билан боғлиқ, бу даврда хавотирланишга қарши транквилизаторлар ва кейинчалик антидепрессантлар қўллаш тавсия этилиши мақсадга мувофиқ

3. Миокард инфарктдан кейинги депрессия нисбатан узоқ давом этувчи, соматик ҳолат ёмонлашганда астеник белгиларнинг кучайиши, у ёки бу даражада намоён бўлувчи когнитив бузилишлар билан кечувчи қон томир депрессиясига (67,8%), ва яққол хавотирланиш компоненти, хавотирланиш «соматизацияланиши», ярим йилгача давом этувчи реактив депрессияга (32,2%) ажратилиши мумкин.

4. Миокард инфарктининг қайталаниши нафақат депрессив бузилишларнинг ривожланишига, балки депрессиянинг оғирлашишига ва чўзилувчан кечувчи депрессив бузилишларнинг шаклланишига таъсир кўрсатади.

5. Қуйидаги омиллар мавжудлигида миокард инфарктдан кейинги депрессия ривожланиш хавфи ошади: беморда руҳий касалликларга нисбатан ирсий мойиллик, маълумот даражасининг пастлиги, зарарли одатлар бўлиши,

айниқса чекиш; шахсий оиласининг бўлмаслиги, миокард инфарктининг семизлик, ҳазм системаси касалликлари, сурункали гепатит билан коморбидлиги.

6. Миокард инфарктидан кейинги депрессияда кўпгина ҳолларда қон плазмаси фибриногени оксидланиш натижасида ўзгаришининг оксидатив стресс фаоллашиши билан ассоциацияланиши, гемостаз тизимининг тромботик ва гиперкоагуляцион характерда, апоптоз кучайиши билан (аннексин А5) ва Виллебранд омили даражасининг ошиши билан намоён бўлувчи эндотелиал дисфункция фонида бузилиши кузатилади. Шунингдек, тромбоцитларнинг томир ичида фаоллашиши – тромбоцитларнинг фаол шакллари сонининг ошиши, агрегацияланган қон пластинкалари сонининг ошиши билан намоён бўлиши кузатилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017. Тiв.31.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ  
УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ВРАЧЕЙ**  

---

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ**

**МУХАМАДИЕВА НИГИНА БАХОДИРОВА**

**КЛИНИКО-БИОХИМИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ДЕПРЕССИВНЫХ  
РАССТРОЙСТВ У БОЛЬНЫХ, ПЕРЕНЕСШИХ ИНФАРКТ  
МИОКАРДА, ВОПРОСЫ ТЕРАПИИ**

**14.00.18-Психиатрия и наркология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2018**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2017.1.PhD/Tib83**

Диссертация выполнена в Бухарском Государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета ([www.tipme.uz](http://www.tipme.uz)) и Информационно-образовательном портале “ZiyoNet” ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz))

**Научный руководитель:**

**Магзумова Шахноза Шахзадэевна,**  
доктор медицинских наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Алимов Улугбек Худаярович,**  
доктор медицинских наук, профессор

**Имамов Акбар,**  
доктор медицинских наук, профессор

**Ведущая организация:**

**Ташкентский педиатрический  
медицинский институт**

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 года в \_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Tib.31.01 при Ташкентском институте усовершенствования врачей. Адрес: 100007, Ташкент, Мирзо-Улугбекский район, улица Паркентская, дом 51. Тел./Факс: (+99871) 268-17-44). e-mail: [info@tipme.uz](mailto:info@tipme.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института усовершенствования врачей (зарегистрирована за № \_\_\_\_). Адрес: 100007, г. Ташкент, Мирзо-Улугбекский район, ул. Паркентская, дом 51. Тел./Факс: (+99871) 268-17-44).

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 года.  
(реестр протокола рассылки №\_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 года.)

**Х.А. Акилов,**  
Председатель Научного совета по  
присуждению учёных степеней, доктор  
медицинских наук, профессор

**Н. Н. Убайдуллаева,**  
Ученый секретарь Научного совета по  
присуждению ученых степеней, кандидат  
медицинских наук, доцент

**У.Х. Алимов,**  
Председатель научного семинара при  
Научном совете по присуждению ученых  
степеней, доктор медицинских наук,  
профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (Аннотация докторской диссертации)**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Депрессивные расстройства относятся к числу наиболее часто встречающихся видов психической патологии. По разным эпидемиологическим данным, «депрессиями страдают от 4 до 10% населения в мире. Широкая распространенность депрессивных расстройств соотносима с наиболее тяжелыми соматическими заболеваниями. Депрессивные расстройства входят в число заболеваний, вызывающих наиболее значимую потерю активных лет жизни за счет болезни и инвалидизации».

По данным ВОЗ, «в последние 20 лет в клинической медицине особое внимание сосредоточено на изучении депрессивных расстройств в общей медицинской практике. В частности, в кардиологии было установлено, что депрессии, возникающие при заболеваниях сердца, являются самостоятельными факторами высокого риска неблагоприятного течения соматического заболевания». Каскад патофизиологических изменений, характерный для развития депрессивного расстройства, сопоставим с метаболическими изменениями при развитии кардиоваскулярной патологии, в частности инфаркта миокарда. Следовательно, не исключена возможность обратного влияния острого нарушения коронарного кровообращения как острого стрессорного воздействия, активирующего симпатoadреналовую систему, в качестве фактора, провоцирующего развитие аффективной симптоматики. Кроме того, как при депрессии, так и при инфаркте миокарда возрастает уровень каспазной активности плазмы крови, с одной стороны, отражающий выраженность процессов апоптоза, а с другой - уровень эндогенной интоксикации.

На сегодняшний день, в нашей стране проводятся целевые реформы по поднятию на новый уровень медицинского обслуживания. В этом отношении, в частности, существует ранняя диагностика постинфарктных депрессий и разработаны мероприятия по лечению данного заболевания. Наряду с этим, данное направление нуждается в научно обоснованных исследовательских результатах для усовершенствования оказания помощи в случаях заболеваний постинфарктной депрессии. По пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан, в соответствии со Стратегией действий, отмечены наиважнейшие задачи в области совершенствования системы социальной защиты и охраны здоровья граждан, в том числе «повышение доступности и качества медицинского и социально-медицинского обслуживания населения, формирование здорового образа жизни людей».

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит исполнением задач, поставленных в Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-3071 от 20 июня 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017-2021 годы», в Указе Президента Республики Узбекистан

УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», а также в Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-3606 от 16 марта 2018 года «О мерах по коренному совершенствованию системы оказания психиатрической помощи» и в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике.** Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан: VI. «Медицина и фармакология».

**Степень изученности проблемы.** Исследования, проведенные в области определения связи между заболеваниями сердца и депрессией, установили, что: риск внезапной смерти в течение 6 месяцев после сердечного приступа выше у лиц в состоянии депрессии; даже умеренные проявления депрессии являются фактором риска повышения артериального давления; признаки депрессии в первый месяц после оперативного лечения ишемической болезни сердца (аортокоронарное шунтирование) часто определяют наличие приступов стенокардии в будущем; депрессия повышает частоту госпитализации у пациентов с сердечной недостаточностью. Это сочетается с низкой выявляемостью депрессивных расстройств в общей медицинской практике при одновременно широкой их распространенности у больных с ССЗ и предполагает наличие неблагоприятных синергических связей ССЗ и депрессии, недостаточный учет которых ухудшает прогноз заболевания [N.L. Sin, A.D. Kumar, A.K. Gehi [et al. 2016].

Одна из задач данного исследования заключается в создании эффективного способа прогнозирования тревожно-депрессивных расстройств как на раннем этапе постинфарктного периода, так и в более поздние сроки, и, как следствие, профилактика развития осложнений, более комплексная оценка динамических изменений уровня депрессии в ходе проводимой терапии, а следовательно, и эффективности проводимой терапии. А также прогнозирование возможной рекуррентности течения депрессивных расстройств в будущем, кроме того, в результате реализации данного способа получена возможность судить об исходе инфаркта миокарда.

